



Мустақилликнинг 13 йиллиги олтидан

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 7 август, шанба № 126 (1759)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига МУРОЖААТ

2004 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасида содир этилган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар бизни қаттиқ газабга солди. Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитасининг барча аъзолари номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига, қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз, жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаймиз.

2004 йилда Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитаси тузилди. Унга Япониянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий дорларининг энг нуфузли вакиллари, жумладан, Парламент депутатлари, вазирилар, етакчи банклари ва корпорациялар раҳбарлари, таниқли таълим, фан, маданият ва санъат арбоблари кирган. Ўзбекистонда ҳам Япония билан ҳамкорлик кўмитаси ташкил этилган. 2004 йил июлда Токиода



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Америка халқаро таълим кенгаши - АКСЕЛС билан самарали ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, мамлакатимизда бир неча ўқув дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ана шундай ҳамкорлик лойиҳаларидан бири - «Ўқувчилар дастури» доирасида ҳар йили умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунара коллежлари талабалари ўртасида уч босқичда инглиз тили танлови ўтказилаётди. Ҳозирги кунда ҳам у айрилишларга бошқоқ. Фарзандларини ёнгина олиб, деҳқончилик ва бунёдкорлик ишларини давом эттирмақда. Набирбек Нодирбек фермер бўлиб, истеъмол бозорини тўлдиршига муносиб ҳисса қўшаётганидан отанинг бош осмонда. Аҳмадхон ўғлининг эса хусусий ўрикзорлари бор. Энг сара неъмат шу ерда етиштириляпти.



ЎЗА ШАРҲИ

Иккала кўмитанинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ҳамда бу ҳақда тегшли Меморандум имзоланди. Қўшма мажлисда Япония кўмитасининг фахрий президенти, собиқ Бош вазир Й.Мори ва кўмида раиси, Парламент депутаты, Япония ҳукумати ва-

Чирчиқ шаҳридаги «Бурсел-Тошкент-Текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида айни пайтда 228 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишчилар иссиқ оғвақ, кийим-бош билан таъминланган ва ишга келиб-кетишлари учун махсус автоулов ажратилган. Мустақилликнинг 13 йиллиги шодибаналари арафасида корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 1500 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланади. Суратларда: тикувчи М.Бижанова; илғор ишчилар Г.Аширбаева ва К.Жолдасвалар иш пайтида. Фулом ХИДИРОВ олган суратлар

Йиллар ва одамлар БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

30-40 йилларни шўролар ҳукуматининг энг қора даврлари дейдилар. Қишлоқ зибилсини бир оғиз нурига сўз учун авахтага ташлаганлар. Маҳалла домласини диндор тамғаси билан жойномоз устида тутишиб, исиз йўқотганлар. Уша пайтлар Аҳмадалининг бир қанғил ҳўкиси, бир таноб ери бўларди. ГПУ ходимлари уни томорқасида қўлга олиб, Сибирга сургун қиладилар.

Аҳмадали жийда салқинида пича тин олиш учун аста қўзилди. Рўпарасида қўш унга қўшилган қанғил ҳўкис. Жонивор гоҳ тумшугига, гоҳ сарингига қўшиб хархаша қилаётган хира пашшаларни думи билан ҳайдаб депсинди. Ҳўкис ҳам, эгаси ҳам хориған. Сабаб, тонг қоронгисидан шудгога тушганлар. Аҳмадали қани энди, тариқни барвақтор тупроққа сочсаю, ҳоқилсини кузакда йиғиштириб олса, пуллаб тўйга ҳазирланса... Боши «кикка-та бўлса», тирчиликчи юришарми... Йиғит шу ўйлар билан жийда гулларида, кун тигида гужон ўйнаётган тила кўнчаларга боқиб, ҳаёли қочди.

Бир пайт рўпарасидаги чарм курткани, бақдор ГПУ ходимлари шарпасидан қўчиб ўзига келди. Йиғит уларнинг гоҳ қишлоқ ўқитувчисини, гоҳ имомни тутиб тавбаганиларини эшитганди. Наҳотки, навбат унга келган бўлса! ГПУчилар қўён овига чиққандек тўрт томондан қўлоқ олишиб, Аҳмадалини чағалига оладилар ва қўлга кишан соладилар. Эртасига қишлоқда Аҳмадали яқка ҳўжалик, қўлоқ сифатида бадарга қўлингани ҳақида овоза тарқайди.

...Мусофирчиликнинг азоби ёмон. Отажойига ҳам ҳадди синамаган Аҳмадали Сибир тайғаларида ўрмон кесди, дарёларда ёғоч оқизди. Тўрт излаганда гурбатдир дунё, гулб излаганда тилақдир дунё, дейдилар. Олис Балиқчи музофоти, кўз очиб қурган, киндик қони тўкилган Қўрғонча қишлоғини ҳар қанча соғинмасини, қафасдаги қушдек чорасиз эди. Ниҳоят, дўстлари ёрдамида тижали симлар ортидан қончиға муваффақ бўлди. Саудия Арабистонига бориб бошлана топди, оила қурди. Бунгача орадан қанча баҳорлар, қовун пишдиқлар ўтади.

Истиклолнинг ҳаётбахш насими Саудия Арабистони, унда яшаётган мусофир юртдошларга ҳам бориб етди. Аҳмадали ака Ватанига қанот боғлаб ўчди. Қария ҳамқишлоқлари хузурда сафарни қаригуна қўлма-қўл бўлди. Ҳоли қолганда йўл ёқасидagi азамат чинорлар танасини силлар, барглариини юзига суртар, ҳовлига ўтиб бир сиқим тупроқ олиб, иккаб ҳўрларнардди. Айниқса, бутун бир далага эгалдорлик қилаётган ҳамқишлоқларига ҳавасланиб турарди. Шўро зулми тўғрисида бир парча отажойига эга бўлолмай, қувғинга уйраган кўнларини қўрғончиликларга қўзида ёш, надомат билан қиқил қўли берарди.

Аҳмадали отанинг қўрғончиликларига эртақ, тўғдошларга эса ҳақикат. Бир маҳал-

ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ

«Туркистон» саройида қурувчиларнинг аънавий касб байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев мамлакатимизда Президентини Ислам Каримов раҳнамолигида кенг микёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда шаҳарсозлик, қурилиш ва меъморлик тобора ривожланиб, соҳага замонавий технологиялар, хорижий сарможалар кенг жалб этиляпти.

Қурувчиларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрамини юртимиз байрамига қўрқ қўшадиган янги ишчиотлар, тулар-қўй биноларни, равон йўл ва кўприклар, таълим, спорт ва тиббийё муассасалари тўғрда этмоқдалди. Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти кечага алоҳида файз бағишлади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди. (ЎЗА)

СОБИРЖОН БОБО ЎРИКЗОРЛАРИ

Файзли қишлоқ йўли бўйлаб бир нуруний оҳишта одимлаб бораёпти. Уни Тўрақўрғонда ҳамма танийди, дилдан ҳурмат қилади. Сабаби, Собиржон бобо Бадалов бутун умрини меҳнатта сарфлади, ажойиб боғлар яратди, не-не инсонларга яхшиликлар қилмади. Ҳозирги кунда ҳам у айрилишларга бошқоқ. Фарзандларини ёнгина олиб, деҳқончилик ва бунёдкорлик ишларини давом эттирмақда. Набирбек Нодирбек фермер бўлиб, истеъмол бозорини тўлдиршига муносиб ҳисса қўшаётганидан отанинг бош осмонда. Аҳмадхон ўғлининг эса хусусий ўрикзорлари бор. Энг сара неъмат шу ерда етиштириляпти.

Собиржон от ишқибози. Ушбу бобо ёшлигидан Кўпқарлардади, чиникқан. Шу файли от спортни кил қилганди. У бошлаган аънанин энди ўғиллари муваффақиятли давом эттиришаёпти. — Эҳ-ҳе бу бош нималарни кўрмади, — дейди нуруний. — Иккинчи жаҳон урушида муқаддас тупроғимиз, жигарларим деб жанг майдонига кириб, неча бор ўлимларни доғда қолдирдим. Бахтим бор экан, соғ-омон қишлоғимга қайтдим. Оддий кетмончи, бригадир бўлиб ноз-неъмат етиштирдим. Мана энди мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланман. Бир вақтлар ўз еримизда, ўз ватанимизда қисиниб, қинтиниб яшадик. Кичкинагина бўлса-да, томорқага зор бўлдик. Бир ўйда тўрт-беш оила қийналиб яшадик. Мана энди ҳалол меҳнат тўғрисида бўйбуга бўлдим. Тадбиркорлик эвазига топилаётган маблағ ҳисобидан ўлар қурдик, тўйлар қилаёلمиз.

Тўрақўрғон туманида бундай йўли бадавлат отахонлар оз эмас. Жумладан, туманда 10 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бор. Улар алоҳида меҳрибонлик ила қураб олинган. Фахрийлар тўю тантаналарга, хайрли тadbирларга бош-қош бўлишмоқда. А.СОҲИБОВА «Ишонч» муҳбири

Ижтимоий ҳимоя МАҚСАДЛИ ДАСТУР АСОСИДА

Мустақиллик тўғрисида халқимиз ўзлигини таниди. Мамлакат микёсда оилаларни мустаҳкамлаш, ҳар бир гўшадда ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкам қарор топтиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пешиқ туманидаги энг чекка қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири «Варағша»даги Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш марказини ҳам мақсадли дастур асосида амалга ошириляётган ишларнинг асосий бўғини дейиш мумкин. У нодавлат, нотижорат ташкилот сифатида майдонга келди.

Хўш, ушбу марказ фаолияти қандай кечаяпти? Ушбу саволга жавобни марказ директори Йўлдош Авезовдан эшитдик. — Қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидида Обидқўжа, Қорюв, Заҳахш қишлоқлари аҳоли зич жойлашган гўшалардан ҳисобланади. Бу ерда истиқомат қилаётган оилаларни, уларда ўсиб-ўлғаяётган йиғи-қизларни ижтимоий ҳимоялаш жуда муҳим эканлигини тегран аниқлаган туман ва вилоят ҳокимлиги тегшли ташкилотлар билан келишган ҳолда ушбу ҳудудда махсус марказ очишга қарор қилганини айни мундоқ бўлди. Шу мақсадда дастлаб тугатилган «Туркистон» ширкат ҳўжалигининг бошқаруви идораси танланди. У жуда қисқа фурсатда қайта таъмирланди. Туман ҳокимлиги бу ишда ташаббускор бўлди. Қисқа фурсатда 2,6 миллион сўмлик иш боқарилди. 10 миллион сўмлик турли жиҳозлар, тикув машиналари, асбоб-ус-

қуналар келтирилди. Шу-шу 6 та йўналиш бўйича кўп болали, кам таъминланган оила вакиллари, касб-хунара ўрганишга илтифат банд ёшларни ўқув машғулотлари ва фойдали меҳнатга жалб қилиб келмоқдамиз. Ҳадемай қўли ишга келиб қолган дастлабки қадиргоҳлар мустақил парвозга шайланмақда. Уйлаймики, улар ажойиб тикувчи, моҳир нодавий, қўли гул ошғаз, уста зардуз бўлиб ишончимизни албатта оқлайдилар. Матлуба Адизова — нон чекида хунара ўрганаётган қизлардан бири. — Марказнинг очилгани айни мундоқ бўлди. Биз кўп болали, кам таъминланган оила вакиллари, 4 нафар ёш Янгибўғордаги коллеж талабалари мураббийимиз Озгул Жаббонова раҳбарлигида айни шу ерда — уйимизга яқин максадда касб-хунара сирларини кунт билан ўрганишга киришдик. «Уста-шоғирд» сифатида туман ҳокимлигининг меҳнат бўлими-

Бир Фармон шарофати

КАСАНАЧИЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонда аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқини шариоатларини яхшилаш, тadbиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Қаршилиқ Марҳаб Тошева беш йилдан буюн тadbиркорлик билан шуғулланади. Ун тўртта тикув дастгоҳи олиб, 20 нафар аёлни иш билан таъминлаган. Хусусий корхонасида хотин-қизлар либоси, ўқувчилар формалари, чойшаблар, иш кийимлари тикилади. Тайёр маҳсулотларнинг сифати аёло, нархи арзон. Қўли гул тикувчининг юздан ортиқ шогирдлари бор. Марҳаб лизинг шартномаси асосида янги ускуналар олиб, хусусий корхонани кенгайтириш ниятида.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафин кунчиқар маҳалласида яшовчи моҳир тикувчи Ирода Бехбудова анча вақт бекор юрди. Таниш-билишлари ва маҳалла фаоллари «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан микрокредит берилаётганини эшитиб, мутасадди ташкилотга мурожаат қилди. Қисқа муддатли 60 минг сўмлик микрозаём олиб, уйда кичик цех очди. Тикувчиликни йўлга қўйиб қарзни фозилари билан қайтарди. Қайинги сафар 90 минг сўм, бир гал 120 минг сўмлик микрозаёмларини олиб ўзининг касаначилик чеҳини кенгайтирди.

Бундай хайрли ишлар қишлоқларда ҳам амалга ошириляпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастирининг гранти ҳисобидан Чирокчи туманидаги «Бешчашма» ҳўжалиги ҳудудида истиқомат қилаётган юздан ортиқ хотин-қизлар 1998 йилдан бери тadbиркорликнинг бундай тўридан фойдаланиб келишяпти. Эндликда Қарши шаҳри, Ҳузур ва Қарши туманларида яшовчи хотин-қизлар ҳам микрозаёмлар тарқатилиб, касаначилик ривожлантириляпти.

Китоблик тadbиркор Робия Каримова Варганза қишлоғида бекор ётган икки қаватли бинони сотиб олиб, тикувчилик чеҳи ташкил қилди. Натияда 20 нафардан ортиқ хотин-қизлар ишли бўлди. — Қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг асосий воситаси уларни иш билан таъминлашдир, — дейди «Тадбиркор аёл» вилоят уюшмасининг раиси Ойниса Очилова. — Чўнқи аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, мустақил бўлади ва Уини-Ўзи ҳимоя қила олади. Авлининг мустақиллиги фаол турмуш тарзининг биринчи шарти ҳисобланади. Аёл иш билан банд бўлмаса, ижтимоий жиҳатдан фаол бўла олмайдди. Мана олти йилдирки, Қашқадарёда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиққан хотин-қизларга микрозаёмлар бе-

И.ИСОМИДИНОВ

Касаба уюшмаларида ҳисобот — сайловлар

ТИЙИНИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ

Қаршидаги «16-автокорхона» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши танқидий рўқда ўтди. Маърузачи — касабақўм раиси Муртоз Эгамбердиев ва сўзга чиққан бошқа нотиклар автокорхона ишчи-хизматчилари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофазалаш соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида батафсил тўхталдилар.

279 нафар касаба уюшма аъзосини ўз атрофига бирлаштирган меҳнат жамоасида моддий манфаатдорликни ошириш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга 6 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бозор иқтисодиёти жараёни тадбиркорлик кўрсатишни тақозо этди. Йиғилиш қатнашчилари касабақўм фаолиятини таҳлил қилар эканлар, ишда ташаббускорлик ва фаоллик етишмаётганлигини танқид остига олдилар.

Ўтган йили йўловчи ташуви, автопаркдан фойдаланиш режалари бажарилмади. Умумий даромад 96,7 фоизни ташкил этди. Автобуслардан фойдаланиш коэффициенти 84 фоизга тўғри келди. Йил 27 миллион 930 минг сўм соф фойда билан яқунланган бўлса, унинг 16 миллион 752 минг сўми акциядорларга дивидент тўлаш учун ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида эришилган иқтисодий кўрсаткичлар ҳам қониқарли эмас. Йўловчи ташуви ва автопаркдан фойдаланиш режалари уқдаланмади. Ойлик иш ҳақидан қарздорлик 23 миллион сўмни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби буюртмачи ташкилотлар бажарилган иш учун маблағни вақтида ўтказиб бермаётганлигида. Биргина «Шўртанга» унитар шўба корхонасининг ташкилотдан қарзи 88 миллион сўмдан ошиб кетган.

Иқтисодий омилларнинг сурт ривожланаётганлиги моддий манфаатдорликни яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда. 2002 йилда меҳнат муҳофазасига 380 минг сўм ажратиш режалаштирилган ҳолда 108 минг сўм маблағ харажат қилинган, холос.

2003-2004 йиллар мобайнида маблағ йўқлиги сабабли ишчиларга махсус кийим-бош берилмаган. Оғир шартда ишлаётганларга бор-йўғи 100 минг сўмлик сут ва сут маҳсулотлари ажратил-

ган. Ахир мазкур йўналишларга керагича маблағ ажратилса, бу меҳнатқашлар қолаверса, корхона учун фойдали-ку. Йўқса тийини тежайман деб миллионни бой бериш ҳеч гап эмас.

Техника паркиннг ахволи ҳам талаб даражасида эмас. Меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказилмапти. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор кам.

Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ўзимизники, — деди йиғилишда сўзга чиққан ишлаб чиқариш ва техника бўлимининг бошлиғи Даврон Усмонов. — Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси ижросини таъминлашда қатъийлик кўрсатганимизда, ташкилот фаолияти янада жонланган бўлар эди.

Бир вақтлар мамлакатда донг таратган ва вилоятда ўз урнига эга бўлган автокорхона янги бошқарувчилар қўлига ўтди. Улар касаба уюшма ташкилоти билан баҳамжиҳат иш олиб борсалар, меҳнатда янги муваффақиятларга эришилиши турган гап.

Йиғилишда касаба уюшма кўмитасининг янги таркиби сайланди.

ЎЛКИН

НИКОЛАЙ ГОЛЬЦОВ: БУ ДИЁРНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

«Дўстлик» Кўмқўрғон туманининг намунали маҳаллаларидан. Бу обод гўшада 19 миллатга мансуб 3680 нафар фуқаро дўст-биродар, аҳил-инок ҳаёт кечирмоқда. Ўзбек, рус, тожик, қозок, туркман, татар, украин, молдован, немис каби миллат вакиллари яхши-ёмон кўнларда бир-бирларига елкадош.

Биз маҳалла йиғини раиси Бозорбой Жақимовни нуронийлар Худойберди хожи Шайманов, Фотима Чориева ва Николай Гольцов билан бир масалани кўзгич муҳокама қилишга ўтгани устидан учратдик. Улар ўтган қиш мавсумида аҳоли газдан даярли фойдалана олмаганлигини, шу боисдан ҳозирда ноқ бу ишни туман газ таъминоти шўба корхонаси раҳбарлари билан ҳал қилиш лозимлиги ҳусусида маслаҳатлашишарди. Маҳалла оксоқоли нуронийларни хортижам қилди:

дошларига ҳам шундай ёрдам ташкил қилишди. Байрамларда худуддаги 111 нафар фахрий учун дастурхон улашладди.

Кўни кеча маҳалла ҳаётидаги яна бир қувончли воқеага гувоҳ бўлинди. «Футбол» мусобақаларининг вилоят босқичида 9-10 ёшлилар орасида I ўринни эгаллашга муваффақ бўлган маҳалланинг ўспирин футболчиларига Республика «Экосан» ҳалқаро жағмараси мукофотлари топширилди.

Дўстлик ришталари мустаҳкам

— Тўғри, ўтган йилги табиий газнинг бир метрда бўлмаганлиги барчага кўп қийинчилик туғдирди. Бундан тўғри ҳулоса чиқариб, мутасадди идора раҳбарларига хат берганмак. Улар эртагаёқ худудимиздаги кўп қаватли биноларда таъмир ишларини бошлашди.

Қариялар мамнун ҳолда чиқиб кетишгач, хонага 18-мактаб интернатининг бир гуруҳ ўқувчи ва ўқувчилари таширф буюришди. Раис устоз-шоғирдларга маҳалланинг тозалик ва ободончилик ишларида фаол иштирок этганлари учун миннатдорчилик билдирди. Жонқуяр ўқитувчилар Эркин Хурсанов, Меҳри Қодирова, Саида Тўраева, Бахтиёр Омоновга қимматбах о эсдалик совғалари, тиришқок ёшлардан Рамазон Холмёрдов, Нарғиза Турдиева, Ҳасан Мирзаев ҳамда маҳалла худудидagi 3-умумтаълим мактабининг аълони ва фаол ўқувчилари Станислав Ли ҳамда Т.Абдусаматовга маҳалла йиғини томонидан таъсис этилган стипендияларни топширди.

Ҳа, маҳаллада бундай хайрли тадбирлар тез-тез бўлиб туради. Яқинда фаоллар Хурсанов Имомов, Худойберди Шаймановлар маҳалла раисчи ҳамкорлигида 2 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 7 нафар байналмилалчи жангчи хонадонига таширф буюриб, уларга озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бошлар беришди. Улар боланидан ногирон бўлган 16 нафар маҳалла-

Бу ерда ҳар ой «Обод ва кўркам кўча», «Саранжом-сариптали уй», «Иболи келин», «Маҳалламиз қизлари», «Зулфиялармиз» каби қўриқ-танловлар ўтказиб борилиши одатга айланган.

Бундан ташқари, 2 ёшга-ча фарзанди бор 79 нафар ёш онага, 16 ёшга тўлмаган фарзандли 214 нафар аёлга нафақалар тайинланган. Маҳалланинг хайр-саховат фонди ҳисобидан Дилором Очидиева, Оширғул Шониёзова, Ким Жулётта, Светлана Денисова каби кам таъминланганларга моддий ёрдам бериб келинмоқда.

— Маҳалламиз аҳли учун худудимизда ёта савдо дўкони, 3 та охиона, сомакхона, бозорча, музқаймоқ, гўшт дўконлари, машиини-хизмат шоҳобчалари мунтазам ишлаб турибди. Аунга асосан 55 та икки қаватли уйларида истиқомат қилишди. Бунда ўзинга хос қийинчиликлар ҳам мавжуд. Муаммо яқин кўнларда ҳал этилган бўлди. АҚШ Ҳалқаро ривожланиш Агентлиги маҳалла харақатини сармоиялаш дастури — САIP маблағи ҳисобидан худудимиздаги турар-хўй бинолари тўлиқ қайта таъмирланади. Сув қувурлари ва канализацияларини янгидан барпо этиб, қўчаларимизни кенгайтирамиз, — дейди маҳалла йиғини раиси Бозорбой Жақимов.

Эзу ният — юрт ободлиги ва эл фаровонлиги йўлида ҳар қанча жон қўйдирса арзийди. **РУСТАМ ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири**

ЎҚИШ УЧУН ХИНДИСТОНГА

Тез орада ўзбекистонлик 36 нафар йиғит ва қиз Хиндистон олий ўқув юрларида таълим олиш учун жўнаб кетади. Улар турли университетларда ушбу мамлакат ҳукуматининг давлат таълим дастури бўйича ўқийди.

Мазкур дастур бўйича ҳамюртларимизнинг таълим олиши учун ажратилган ўринлар сўнги 2 йилда икки баравар кўпайди. Бу йил 144 номзод ариза берди ва инглиз ёки ҳинд тилларида ёзма тест топширди ва умумий сўбатдан ўтди.



ОБИДАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Самарқанд вилояти Ёшлар марказида Республика Вазирлар Маҳкамасининг тарихий обиди — Шўҳи Зинда мажмуасининг таъмирлаш ва ободонлаштириш тўғрисидаги қарори ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тарихий обидалар мажмуалари раҳбарлари, тарихчи олимлар маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этган мазкур йиғилишда Шўҳи Зинда мажмуасининг кадр-қиммати, уни асраш, қайта таъмирлаш, атрофини обод қилиш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида гап борди.

Йиғилишда вилоят имоҳатибони Усмоноҳ Олимов, «Сўзангрон-2» маҳалласи раиси Тўлқин Аҳмедов ва бошқалар сўзга чиқиди. **«Туркистон-пресс»**

КАТТА СИНОВ ОЛДИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мақеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 25 майдaги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори» бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга хизмат қилляпти.

Юртимизда аёллар барча жаҳада фаоллик кўрсатибгина қолмай, миллий аниқана ва кадрятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда жонбозлик кўрсатаяпти. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёндаги фаоллиги ҳам тобора ошмоқда.

Пойтахтимизда Фидкорлар Миллий демократик партияси ташаббус билан «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида ўтказилган анжуманда шу ҳақда фикр юритилди. Бўлажак сайловлар олдидан аёлларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш масаласига эътибор қаратилди. Зеро, икки палатали парламентга илк бор бўладиган сайловларда аёлларимиз фаол иштирок этиди, кўпроқ ўрин эгаллаши ўзларига тегишли муаммоларнинг ечим топишида муҳим аҳамият касб этади. **(Ўза)**



Муротқиллицнинг биллиги

Иттифоқо, Андижон вилоятига йўлим тушганда қариндошимнинг сихатгоҳдан қайтганини эшитдим. Чортоқ туманида бўлган экан.

«Чортоқнинг тенги йўқ, бир маҳаллар у ерда ўзимизникиларга йўлланма етишмасдан Москва-Ю Болтиқбўйи, ҳатто, Кавказорти республикаларидан келганлар довола-ниб дам олишарди, — дедим суҳбатлашиб ўтирганимизда.

— Йўқ, мен «Чортоқ»да эмас, ундан салгина наридаги «Эркин» сихатгоҳида муолажа олиб ҳордиқ чиқардим, — дея гапимга жавоб қайтарди қариндошим. — Менга об-хавосиям, муолажалариям жуда ёқди.

Хусусийлаштириб олинган ушбу сихатгоҳнинг ўзига хос афзал жиҳатлари кўп. Биринчи навбатда «Қорабоғ» сув омборидан кеча-кундуз эсиб турадиган салқин ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Ёзининг ҳар қанча жазирмасида ҳам

бу ерда ҳарорат 30-32 даражадан ошмайди. Чор-атрофи мевали ва манзарали дарактлар билан ўралган. — Худудимиздаги дов-дарактлар ёз жазирмаси кучини кесибгина қолмасдан таъминотимизни яхши-

ХУСУСИЙ СИҲАТГОҲ

лашга ҳам хизмат қилади, — дейди сихатгоҳ бош ҳақими Эркин Орифбоев. — Дастурхонимиздан мева узилмайди. Узумдан тортиб ўнлаб мева турлари қўйиб борилади. Қиш ва баҳор ойларида эса мижозларимиз турил-туман мева қоқлари, компотлардан баҳраманд бўладилар.

Бугунги кунда ёши олтимишдан ошиб қолган Э.Орифбоев ҳаётда кўп нарсани бошдан кечирган. Олийоҳи-миз туртиб, қатор касалхоналарда бош ҳақим вазифасида ишлади, анча йиллар эса туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бошқарди. Чортоқ ва Янгиқўрғонда янги-янги тиббиёт муассасалари ҳамда шоҳобчалари барпо этилишига, доволаш-профилактика ишлари яхшиланшига ҳисса қўшди. Ёши улғайгач, бир неча бор эгалаб турган вазифасидан озод этишларини сўраб ариза берди. Ниҳоят, қаровсизлик, ва эътиборсизликдан берилиш арасасига келиб қолган «Қорабоғ» сихатгоҳини хусусийлаштиришга руҳсат сўраб Э.Орифбоев томонидан берилган ариза қондирилди.

Истиқлол берган имкон

— Бу осон бўлмади, — дейди ўша дамларни эслаб Эркин Орифбоев. — Бинолар анча йиллардан бери таъ-

Маъданли сув муолажасидан ташқари бу ерда шифобахш балчиқ, шам ва ўн хилдан ортиқ ҳоридан келтирилган физиотерапевтик электр қурималари билан доволаш жорий этилган. Шунингдек, игло-терапия ва ўқалаш ёрдамида муолажа ҳам йўлга қўйилган.

Даволаш билан бир қаторда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар мавжуд. Хоналарда музлаткич ва телевизор бор. Қизикарли китоблар, газета-журналларнинг янги сонлари дам олувчилар хизматиде. Олий ва ўрта махсус маълумотли шифокорлардан Олимжон Омонжонов, Баҳодир Алимов, Муаттар Маматалиева, Раваҳон Қамчиева, Мухаббат Мирғиёсова, Зулфия Тўшбаева, Ҳабиба Файзуллаева ва белгиланган муолажаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиб борадилар.

Сихатгоҳнинг ёрдамчи хўжалиги ҳам мавжуд бўлиб, 2 гектар майдонда дехқончилик билан шугулланилади. Ўн беш қорамол боқилмоқда. У ердан олингандан махсусот доволашувчилар эътиҳи учун ишлатилади. Судтан тортиб мева ва полиз маҳсулотларига ҳам дастурхонга тортилади. Мақсад битта, ҳордиқ чиқариш муолажа олаётганлар ўз уйлари, меҳнат жамоаларига соғлиқларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда чинакамига соғайиб, куч-қувват тўплаб қайтсинлар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ФАХРИЙЛАР МАСЛАҲАТГА КЕЛИШДИ

Абдурахмон Эшматовни нафақат Шаҳрисабз туманида, балки вилоятда ҳам кўпчилик тажрибали раҳбар, уста пахтакор сифатида билишди. Отахон бир неча йил хўжалиқларда раҳбарлик лавозиминида ишлаб каттагина тажриба ортирган.

Яқинда отахонни бир гуруҳ шоғирдлари билан Бобур номли хўжаликнинг Шукр Йўлдошев раҳбарлик қилаётган оилавий пудратчилари даласида учратдик. Абдурахмон аканинг ёши 70 раҳмон ошган бўлса-да, ҳамон ёшларга хос ғайрат-шижоат билан дала кезиб, қимматли маслаҳатларини бермоқда.

— Ушбу оила пудратчиларига Абдурахмон Эшматов гўза парваршида бироз ортда қолиб, экинларни зудлик билан шарбат усулида сугориб лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганилар, — дейди хўжалик раҳбари Инатулло Имомов. — Бу эса улар учун анча фойдали бўлиб, эндиликда гўзаларда бўлиқ кўсақлар пайдо бўлди. Халқимизда қари билгани, — пари билмайди, деган ҳикмат бор. Бугун бу мақол замирида қанчалик ҳақиқат етганлигини туман меҳнатқашлари дилдан ағламоқдалар.

Туман ҳоқими Олий Мажлис депутати Алиқул Эрдонаев бошчилигида тумандаги бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, ишлаб

чиқариш илғорларидан таркиб топган ишчи гуруҳ аъзолари хўжаликларда бўлиб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишлари билан танишяптилар. Ишчи гуруҳ таркибида Неъмат Эшдан ошган бўлса-да, ҳамон ёшларга хос ғайрат-шижоат билан дала кезиб, қимматли маслаҳатларини бермоқда.

Вакиллар хўжалиқларда бўлган чоғларида дала шийпонларидаги аҳвол, маъмурият билан хўжалик касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши билан ҳам танишмоқдалар. Фахрийларнинг бу савобли ишлари туманда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олинишини таъминламоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири



«Хоразмисикликманба» очик акциядорлик жамияти вилоятдаги кўп қаватли биноларни, кўпгина ташкилотларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлайди.

Ҳозир бу ерда электр энергиясини ва табиий газни тежаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча қозонхоналар тўла текширувдан ўтказилиб, 1,18 километр иссиқлик қувурларининг қоламалари қайта тикланди. Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш «Ҳарорат жадвалига асосан амалга оширилди. Бунинг натижасида 2565,2 минг сўмлик табиий газни тежашга эришилди.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар. И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Астағфируллоҳ!

Судланувчи Хосият Турдиева сўроқ қилинганда, ҳаммаси ароқнинг касофати эканлигини таъкидлаб, айбига тўла иқрор бўлди. Судда иштирок этаётган таниш-билишлар, маҳалла аҳли ҳам бошлари

— Ўғилларингиз пиёлаларини ўғирлаб кетишибди. Уларнинг ҳаммаси қамалиб чиққан, ҳезақлар. Буюмларни қайтаришин.

Шу тариха жанжал, ур-йиқит бошланди. Судда гувоҳлик берганлар Дилором онаси билан жуда ёмон муносабатда бўлганлигини, ҳаммиса ниманидир талашиб-тортишганини, сўнг бир-бирларини беҳурмат қилиб, ўрни остин-устун қилиш одатий ҳол бўлиб қолганлигини ташвиш билан гапиришди. Воқеалар тафсилоти билан чуқурроқ танишганин сайн хайратинг ошаверади. Наҳотки, оилада онанинг заррача хурмати, ўрни бўлмаса, фарзандлар бир-бирларини беҳурмат қилиб, оналарига дўқ уриб, ҳаёт кечириса, бу қанақаси ахир?!

Судланувчи Хосият Турдиева 8 март куни туғилган кунини нишонлаган. Ичкиликбозлик авжига чиққан. Аёл, она, оила бошлиғи бу қилмиши билан бутун оила аъзоларини, жигаргўшаларини жарликча етаклаётганлигини, ўзи ҳам адоий таомом бўлаётганлигини наҳотки ҳис қилмаган бўлса?! Суд тиббий экспертизаси ҳулосасига кўра қонли воқеа содир бўлган кунни жабрланувчи Дилором Фаниева ўта маст ҳолда бўлган. Эзис умр, эзис одам қарчилиқ. Жоҳиллик, ичкилик тунгайли сочига оқ оралаган она ўз қизининг қотилига айланди. Бу хунук воқеа ҳаммамизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Судланувчи Хосият Турдиева 8 март куни туғилган кунини нишонлаган. Ичкиликбозлик авжига чиққан. Аёл, она, оила бошлиғи бу қилмиши билан бутун оила аъзоларини, жигаргўшаларини жарликча етаклаётганлигини, ўзи ҳам адоий таомом бўлаётганлигини наҳотки ҳис қилмаган бўлса?! Суд тиббий экспертизаси ҳулосасига кўра қонли воқеа содир бўлган кунни жабрланувчи Дилором Фаниева ўта маст ҳолда бўлган. Эзис умр, эзис одам қарчилиқ. Жоҳиллик, ичкилик тунгайли сочига оқ оралаган она ўз қизининг қотилига айланди. Бу хунук воқеа ҳаммамизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Айтишларича, Дилором ҳар гал онасиникига келганида гапининг боши «оқидан борми»дан бошланди. Баъзан пуллари бўлмаса-да, амал-тақал қилиб, қарз кўтариб бўлса-да, захри қотилини келтиришган. Уша машъум куннинг сабабчиси ҳам ароқ. Ичкилик таъсиридан шер бўлиб кетган Дилором онасида дўқ ура бошлайди.

Олим ЭШБАКОВ, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокурори ёрдамчиси, II даражали юрист

АЁЛ ёхуд ўз фарзандининг қотилига айланган она қисмати

кўрсата бошлади, она-боланинг гаплари бир-бирига тўғри келмай қолди. Тортишув жанжалга айланди. Қутилмаганда Дилором кулдон билан онасининг бошига уриб, уни хушидан кетказди. Бироз вақт ўтгач, ўзинга ҳам учрайвермайдик. Бирок Турдиевалар хонадонидан бундан истисно эди. Жоҳиллик, бир-бирига кўрс муомалада бўлиш, энг ёмони ва ажабланирлиси, кунига қанда қилмай спиртли ичимлик истеъмол қилиш одат тусини олганди. Кунларнинг бирида Хосият Турдиева эсини йўқотган ҳолатда она билан да-стурхон атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Урганган кунгил, деганларидек, она қизига сўроқ назаари билан тикилди. Қиз ҳам шуни қутаётганда қонли қўлига халтача олиганича дўконга югурди. Она-бола ҳаш-паш дегунча икки шиша ароқни бўшатди. Оғу ўз ишини


эгиқ ҳолда ўтиришарди. Биринчидан, фожеага аризмаган нарса садаб бўлган, иккинчидан, Турдиевалар оила аъзолари ичкиликка ружу қўйишганини, фарзандларининг қўпчилиги саёқ юра бошлаганлигини кўра-била туриб, неғадир томон-шонин бўлишди. Қўллашиб жоҳил қимсаларга ўз таъсирларини ўтказишмади. Кимдан сўраманг, «Гапирган билан фойдаси йўқ, барбир одам бўлишмайди» деган фикрга бормганимиз, деб таъкидлашарди.

Эшитдингизми, ўқидингизми? РАДКЕВИЧ - ТЕРМА ЖАМОАМИЗДА

Россиянинг «Ротор» клуби аъзоси Владимир Радкевични сўнги пайтларда миллий терма жамоамизга жалб этиш бора-сидаги гап-сўзлардан хабарингиз бўлса керак...



МАЪРИФАТ ЙЎЛИ



Кутубхона - зиё маскани, маърифат ўчоги. Унга тез-тез келиб, мутулаани одат қилган одам сира кам бўлмайди...

нинг қишлоқларда ўттиз бешта шохоб-чалари ишлаб турибди. Асосан, уларда китобхонлар - болалар ва ўсмирлардир...

М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар



Хабарлар оқимидан МУҲИМ САНАЛАР ТАҚВИМИ

«Аср олдда кун мисоли йил» деб номланган илмий-библиографик тўплам босмадан чиқди. 2004-2005 ўқув йилига мўлжалланган муҳим ва унутилмас воқеалар, юбилей саналари ҳақидаги маълумотлар ёритилган бу нашр тақвим вазифасини ўтайди...

«Аср олдда кун мисоли йил» тақвими олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактаблари тизими ходимлари учун яхши маълумотнома бўлиб хизмат қилади.

«ИШБИЛАРМОН ҲУҚУВЧИ» СТИПЕНДИЯСИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун махсус стипендия таъсис этди.

Кўрик-танловда ғолиб чиққан 14 нафар тадбиркор ўқувчи мақур имтиёздан фойдаланади. Улар бир ўқув йили давомида ойига 15 миң сўмдан тақдирланадилар.

Республика вилоятларида ўтказилаётган кўрик-танловлари нихоясига етмоқда. Тошкент вилояти бўйича уюштирилган танловда Зангиота туман қишлоқ ҳўжалик, Чиноз тумани, Олмазор, Чирчиқ шаҳар сановат касб-ҳунар коллежлари вакиллари «Ишбилармон ўқувчи» стипендиясини қўлга киритдилар.

КЕНГ КУЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистонда 2004-2005 ўқув йили «Мактаблардан ташқари таълим самардорлигини ошириш ўқув йили» янглиг нишонланади. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган бу муҳим маърифий тадбирга ҳозирданок, тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Республика ўқувчилар саройи, «Биозосан» ўқув-услубий мажмуаси, ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар, ёш техниклар ижодиёти болалар бадиий ижодиёти марказлари эса ўқув йили давомида амалга ошириладиган тадбирлар режаларини белгилаб олдилар.

Бундан ташқари, бўлажак ўқув йилида мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбар кадрлари малакасини ошириш, болаларнинг буш вақтини мазмуни ўтказиш ҳамда шу каби жараёнлар бўйича тавсиялар тайёрланмоқда.

«Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият самардорлигини ошириш омиллари ва тараққиёт истиқболлари» деган мавзуда республика семинарини ўтказиш ҳам режалаштирилди.

А.АЛИЕВ

Турфа олам ҚАЛИНЛИГИ 1500 МЕТР

Шу маҳалгача шимолдаги абадий музликларнинг қалинлиги қўли билан 600-650 метрдан ошмайди, деган тахмин бор эди. Нефть ва газ топиш мақсадида кўп доирасига яқин жойдан, аникроғи Ёқутистоннинг энг катта дарёларида бири ҳисобланган Виллой дарёсининг ирмоғи - Маржадан юқорида чуқурлиги икки километрлик қудуқ пармаланган эди.

Мутахассислар бу ердаги тоғ жинсларининг совуқлик даражасини ўлчаб, ер бағрининг деярли 1500 метр чуқурлиги ҳам абадий музликдан иборат эканлигини аниқлашди.

ФОЙДАЛИ МОДДАЛАР ХОМАШЁСИ

Ис гази жонли мавжудотларни нафас йўли орқали захарлайди. Нафас олганда, бу газ ўпкага боради ва ундан қонга ўтади. Ис гази қон билан жуда тез реакцияга киришиб, унинг таркибинини ўзгартиради.

Оқибатда баданда кислород алмашинуви бузилади. Тўқималарга, хусусан, марказий асаб тизимининг энг нозик ҳужайраларига кислород етишмай қолади. Натижада бадан захарланиб ўлади ёки қаттиқ зарар қўради.

Ис гази кўмир чала ёнда углироднинг кислород билан бирикши натижасида ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги замонда ер юзидидаги барча машиналар, самолётлар, паравозлар ва пароходларда ишлатилаётган ёнилгилардан ҳам беҳад беҳисоб ис гази чиқиб, ҳавони бузмоқда.


Кимёгарлар ана шу захарни ҳам фаровонлик манбаига айлантиришда қатор йирик изланишлар олиб боришди. Чунончи, водород ва ис газининг юқори ҳароратда ва босим остида ўзаро бирикши натижасида таркиби жиҳатдан бензин ва керосинга ўхшаш суяқ маҳсулот - синтин ҳосил бўлади. Синтиндан ҳар турли моддалар олиш мумкин. Шунингдек, уни мотор ёнилгиси сифатида ишлатса ҳам бўлади.

А.АҚБАРОВ

КРОССВОРД

Энига ва ёй бўйича: 1.Пойтахтимиздаги туман. 6.Ал-Хоразмий номидан олинган атама. 28.Ватанимиздаги энг катта футбол иншооти. 29.Назарий механиканинг динамика ва статикани ўз ичига олган бўлими.

Кроссворд жавоб сўзлари асосида қуйидаги рақамлар (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибинан аналатади) жуфтлигида яширилган муаммонотани ҳал этинг.



Бадавлат қария навжувон қайлиғига дебди: - Мен сизни аввалдан огоҳ қилиб қўйи, азизим, мен унчалик соғлом эмасман. Менда фронтит билан гайморит бор, доимий гепатит бор, панкреатит, стенокардия бор...

НИМ ТАБАССУМ

- Во ажаб, - деб қойил қолди тўра. - Мен бунақасини сира кўрмаган эдим. Қандай қилиб бунга эришдингиз?

Кекса адмиралнинг хотини бир кунни сувоти кема-сини кўргани борипти. Кемада у капитанга узлуқисиз саволлар бераверипти: - Менга қаранг, сувости-га тушганимизда манави замбарак хўл бўлиб қолмай-дими?

МАҲАЛЛАДА спорт тўгараклари

Пойтахтимиз маҳалла-рида кенг қўламдаги бунёдкорлик-ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Юнусобод туманининг «Наврўз» маҳалласи ҳам кундан кунга чирой очиб борапти.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ЭНГ СЕМИЗ ОДАМ

Одатда, ҳаддан ташқари семизлик, ортиқча вазн саломатлик учун яхшилик аломати эмас, деб саналади. Бироқ, АҚШ фуқароси Жон Бровер Миннок учун бу унчалик ҳам аҳамиятга эга бўлмаган шекили. Акс ҳолда, унинг вазни 635 килограммга кўтарилган эди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ ОШХОНАСИ

Menu board with items: КАША, КОМПОТ, and a cartoon illustration of a chef.

Ибрат

Маҳаллада 17 миң нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилапти. Уларнинг фаровон турмуш кечирishi учун зарур қўлайликлар яратишга катта эътибор берилляпти. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз, ногирон, кекса фуқароларга ва фарзандлари тарбияси билан машғул аёлларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирғозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маншумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.